
ФАРҒОНАДА ЎЗБЕКИСТОН ЭНДОКРИНОЛОГЛАРИНИНГ III ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Бугун Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти мажлислар залида Ўзбекистон эндокринологларининг III халқаро Конгресси ўз ишини бошлади.

“Инновация ва интеграл эндокринология” мавзусида ўтказилаётган анжуманда вилоят ҳокимлиги котибият мудири Шохидбек Аслонов, республикамиздаги ушбу тизимнинг масъул вакиллари, маҳаллий ҳамда хорижлик таниқли мутахассислар иштирок этмоқдалар.

Соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи Асилбек Худаяров онлайн иштирок этиб, анжуманини кириш сўзи билан очиб берди ҳамда Конгресс ишига омад тилади.

Анжуманда сўз олганлар бугунги кунда эндокринология соғлиқни сақлашнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги, тиббиёт амалиётида янги технология ва ташхислаш усулларини ўзлаштириш ва жорий этиш, ривожлантириш, тиббиёт муассасаларини замон талаблари даражасида энг замонавий ташхислаш ускуналари билан жиҳозлаш, мамлакатимизда эндокринология соҳасида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхтадилар.

13-14 май кунлари ўтказилиши белгиланган Конгресс ишида эндокрин хизматга оид долзарб муаммолар, семизлик, қандли диабет, болалар эндокринологияси, йод танқислиги ва қалқонсимон без касалликлари, нейроэндокринология ва аҳолининг репродуктив саломатлиги, эркаклар ва аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари ва вазифалари устувор этиб белгиланган.

Анжуманда етакчи хорижлик тиббиёт ходимлари эндокринология соҳасидаги ютуқлар ва илмий тадқиқотлар билан бўлишадилар, тажриба алмашинилади.

Ушбу нуфузли тадбир Ўзбекистонлик ва хорижлик тиббиёт мутахассислари ўртасида самарали тажриба алмашиш, эндокринологиянинг энг долзарб муаммоларини мухокама қилиш ва келгусида тиббиётнинг ушбу соҳасини ривожлантириш истиқболларини белгилашга хизмат қиласи.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-05-13 11:35:06